Мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

**ШАРТНОМАСИ**

UN5638171818

25«11»2022 yil. **2464-6-86-ТВ/2022-son**

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси** номидан низом асосида иш курувчи **З.Мамаджанова** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"RENOSANSE BIZNESS PLUS MCHJ"** номидан **У.Обидов** иккинчи томондан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли** қонун талабига асосан пудрат шартномасини туздилар

## I.Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома буйича «Буюртмачи» тасарруфидаги **37-оилавий поликлиника биносини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш** мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофик объектларни Жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни кабул килиш ва конунчиликда белгиланган тартибда туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II.Умумий шартлар

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошка харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдикланган (Ф-2, Ф-3) асосида хисобга олинади хамда тулов учун такдим этилади.
2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини уз вактида бушатиб беради.
3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28-кунигача Пудратчи томонида Буюртмачига такдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдикланади.
4.Буюртмачи Пудратчи дан бажарилган ишларни микдори ва сифатини текшириб кабул килиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тугри келмаса Пудратчи камчиликларни уз хисобидан бартараф этади.

## III.Пудратчининг мажбуриятлари

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.
2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомда субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг ном ва манзили тугрисида хабардор килиши.
3.Курилиш вактида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтни ва ер участкани мухофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.
4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
5.Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг тулик уз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

6.Таъмирлаш давомида лойиха смета хужжатларида хисобга олинмай колиб кетган ишларни ва тула муносабат билан кушимча ишларни бажариш ва курилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аникласа бу тугрисида Буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

## IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

1.Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини наъзорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларини кабул килиб олиш.
2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур ижро хужжатлари руйхатини такдим этиши.
3.Мазкур шартномада наъзарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## V.Туловлар ва хисоб-китоблар

1.Шартноманинг тузилаётган вактдаги умумий суммаси **918 953 843 (тўккиз юз ўн саккиз миллион тўккиз эллик уч минг саккиз юз кирк уч) сум** этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов / тендер савдолари натижасида аникланган катъий сумма хисобланиб, амалдаги бозор нархларининг узгаришига ёки иш хаки туловларининг ошишига боғлик равишда ўзгармайди.
2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сунг 30 фоиз микдорида аванс утказади,бу эса **275 686 152,90 (икки юз етмиш беш миллион олти юз саксон олти минг бир юз эллик икки) сум 90 тийинни** ташкил килади. Колган туловлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 15 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
3.Хисоб – китоб шакли: Пудратчининг банкдаги хисоб-ракамига пул утказиш йули билан амалга оширилади.
4.Шартнома буйича Пудратчи таъмирлаш ишларини **«25» ноябр 2022 йилдан бошлаб «23» декабр 2022** йилгача тулик бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишларини муддатидан олдин бажариш хукукига. Бундай холатда узил-кесил хисоб-китоблар амалдаги конунчиликда ва ушбу шартномада курсатилган тартибда амалга оширилади.
5. Пудратчи объект топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган такдирда Пудратчи бу хакида конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор килиш керак.

## VI.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1.Пудратчи объектнинг уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбурятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбурятларни бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
2.Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбурятларни бажарилмаган кисмининг 0,4 фоиз микдорида пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
3.Пеня тулаш Пудратчини ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

## VII. Низоларни хал этиш тартиби UN5638171818

1.Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан куриб чикилади.

## VIII. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

1.Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари туфайли ва бошка енгиб булмайдиган кучлар натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бунда тулик ёки кисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
2.Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутоносиб равишда узайтирилади.
3.Агар енгиб булмайдиган куч холатлар ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

## IX.Шартномани бекор килиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда
2.Конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга
3.Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда
4.Объектда таъмирлаш ишлари Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда.
5.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тухтатиб куйилганда конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
6.Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
7.Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно.

## X.Алохида шартлар

1.Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасида барса олдинги ёзма ва битимлар,ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучин йукотади.
2.Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.
3.Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган булса, хакикий хисобланади.
4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун нормалари кулланилади.

5.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.
6.Шартнома томонлар имзоланиб, Газначилик булинмасида руйхатдан утгандан сунг кучга киради. Амал килиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

**«БАЖАРУВЧИ»**

RENOSANSE BIZNESS PLUS MCHJ

**Манзил: Чорток туман Наврўз МФЙ Шохжува кўчаси 1 уй**

**Х.Р 20208000900756387001**

ИНН: 304 795 321

**Рахбар________________ У.Обидов**

М.У

**«БУЮРТМАЧИ»**

**Уйчи туман халқ таълими бўлими**

**Манзил: Уйчи туман Беруний кўчаси 60-уй**

**Ш.Х.В 401722860142297072120054001**

ИНН: 200 099 623 ОКОНХ:

**Уз Рес Молия Вазазирлиги Газначилиги**

**Газна х/р 23402000300100001010**

**«Марказий Банк Тошкент ХККМ»**

**МФО:00014. ИНН 201122919**

**Уйчи ТТБ**

**Бошлиги________________ З.Мамаджанова**

**М.У**

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | ZULFIYAXON MAMADJONOVA MUXTORJONOVNA |
| | Imzolangan sana | 25.11.2022 09:09 |
| | Hujjat kodi | **UN5638171818** |
| | Hulosa kodi | **WG6243662447** |

UN5638171818

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

« 25 » ноябр 2022 йил

Уйчи тумани

Наманган вилояти худудидаги Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 2022 йил «08» ноябрдаги 22110012184737 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 37-оилавий поликлиника биносини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чикиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "RENOSANSE BIZNES PLUS" МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама килиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**ТТБ молиявий масалалар бўйича ўринбосар:** **А.Юсупов**

Мухандис: С.Нозматов

Бош хисобчи: С.Турсунпулатов

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: WG6243662447

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

WG6243662447

**1**. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **Fuqarolik shartnoma**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uychi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 24.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uychi tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**I.F.DAVRANOV**

24.11.2022

# XALQ DEPUTATLARI UYCHI TUMANI KENGASHINING

# Q A R O R I

2022 - yil «29» - sentabr VI-57-131-6-86-K/22 Uychi tuman hokimligi

**Уйчи тумани "Фукаролар ташаббуси жамғармаси" маблағлари хисобидан "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган таклиф учун маблағ ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора- тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон ҳамда "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида" 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблағлари ҳисобидан "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган таклифни кўриб чиқиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон ҳамда "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида" 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблағлари ҳисобидан жорий йил 24 августдан 17 сентябргача бўлган муддат давомида "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган таклифлардан Уйчи тумани Чуртук МФЙ Ўриксор кўчасини асфальтлаш ***(таклиф ID рақами 0890600045)*** ҳаражатлари учун 840,0 (саккиз юз кирқ) миллион сўм, тумандаги ***Хожиобод*** МФЙда жойлашган туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 37-ОП биносини

таъмирлаш ***(таклиф ID рақами 0890600036)*** харажатлари учун 990,0 (тўққиз юз тўксон) миллион сўм, тумандаги 5-сонли умумтаълим мактабида юқори ва бошланғич синф хоналарини пол қисмини таъмирлаш ***(таклиф ID рақами 0890600057)*** харажатлари учун 700,0 (етти юз) миллион сўм, тумандаги 20-сонли умумтаълим мактабига замонавий компьютер, интерактив доска ва бошқа техникалар сотиб олиш ***(таклиф ID рақами 0890600269)*** харажатлари учун 200,0 (икки юз) миллион сўм, ***тумандаги*** 15-сонли умумтаълим мактабида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг овқатланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида замонавий ошхона биносини қуриш ***(таклиф ID рақами 0890600033)*** харажатлари учун 850,0 (саккиз юз эллик) миллион сўм, ***тумандаги Қумтепа МФЙ Ўзбекистон (Ал Хоразмий) кўчасини асфальтлаш (таклиф ID рақами 0890600017)*** харажатлари учун 950,0 (тўққиз юз эллик) миллион сўм, тумандаги Ёркатай МФЙ ҳудудида жойлашган Тиббиёт бирлашмасига қарашли Силга қарши курашиш диспансери биносини таъмирлаш ***(таклиф ID рақами 0890600039)*** харажатлари учун 900,0 (тўққиз юз) миллион сўм, ***тумандаги 26-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилар учун замонавий, усти ёпиқ, сунъий футбол мажмуаси қуриш (таклиф ID рақами 0890600190)*** харажатлари учун 600,0 (олти юз) миллион сўм, тумандаги 37-сонли умумтаълим мактабида янги қурилаётган ошхонани (ошхона анжомлари) жиҳозлаш ***(таклиф ID рақами 0890600006)*** харажатлари учун 400 (тўрт юз) миллион сўм, жами туман бўйича 6430,0 (олти миллиард тўрт юз ўттиз) миллион сўм маблағ ажратилсин.

2. Харажатларни амалга оширишга масъул ташкилотлар раҳбарлари туман халқ таълими бўлими (Мўминов), туман тиббиёт бирлашмаси (Мамаджанова), туман ободонлаштириш бошкармаси (Рахматулла)ларга:

- ажратилган маблағ доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;

- молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлинмасига тақдим этиш;

- ажратилган маблағдан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсинлар.

3. Туман молия бўлими (Холмирзаев)га бюджет харажатлар режасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман ғазначилик бўлинмаси (Орзибоев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Хожимирзаева) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Нурматов) зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi Sh.Musayev

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси
__________ Ш.Мусаев

**Наманган вилояти Уйчи тумани бўйича 2022 йил 2-чоракда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича**
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати (минг сўмда) | Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда) | Молиялаштириш манбааси (ФТЖ, қўшимча манбаа, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | 6 430 000 | 6 430 000 | х | х |
| | | | | | | | |
| 1 | 0890600045 | Чуртук МФЙ Ўрикзор кўчаси жами 1 400 (бир минг тўрт юз) метр бўлган ички йўлларни асфальтлаш | 2 870 | 840 000 | 840 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бўлими |
| 2 | 0890600036 | Наманган вилоят Уйчи тумани Хожиобод МФЙ худудида жойлашган Тиббиёт бирлашмасига қарашли 37-ОП биносини мукаммал таъмирлаш | 2 614 | 990 000 | 990 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман соғлиқни сақлаш бўлими |
| 3 | 0890600057 | Уйчи туманидаги 5 - умумтаълим мактаби 1976 / 1998 йилларда қурилган бўлиб мактабда жами 56 дона ўқув хонаси ва 8 дона маъмурий ва методик хоналар мавжуд. 1976 йилда қурилган бошланғич таълим биносининг 14 дона ўқув хоналари ва 1 дона маъмурият хонаси пол қисми чўкиб синган ва хозирги кунда таъмирталаб холга келиб қолган. Юқори синфлар биносида 42 дона ўқув хонаси, 3 дона лаборатория хонаси ва 7 дона маъмурият хонасининг пол қисми мактаб қурилган 1998 йили леноним қилинган ва хозирги кунда пол қисми ленонимлари синиб кетган ва ўқувчилар бетон устида таълим олмоқда. Мактабнинг юқори синфларида жами 2290 квадрат метр пол қисмини леноним ёки паркет пол қилиш ва бошланғич синфлардаги жами 1020 квадрат метр пол қисмини polik тахталарини янгисига алмаштириш. | 2 392 | 700 000 | 700 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |
| 4 | 0890600269 | Ғурбатдаги болалик! Техника асри хисобланган замонамизда машад қишлоғи 20 - умумий ўрта таълим мактабимиз ўқувчилари дарс ўтиш жараёнида хали хамон китобдан нирига ўтишмади. Биз мактаб жамоаси ўз ўқучиларимиз учун замонавий компютер, замонавий доска, нига ярокли парталар, мусиқа чолғу асбоблари, Notebook, Proyektor, ташкил этишни сўраймиз. Билимли ёшлар буюк келажак кафолатидир! | 2 245 | 200 000 | 200 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |

| № | Голиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати (минг сўмда) | Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда) | Молиялаштириш манбааси (ФТЖ, қўшимча манбаа, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўпланган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | 6 430 000 | 6 430 000 | х | х |
| 5 | 0890600033 | Уйчи туман халқ таълими бўлимига қарашли 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби. Мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари учун (стол, стул, аристон, электр қозонлари ва қўшимча жихозлари) барча қулайликларга эга бўлган ошхона қурилиши учун. | 2 031 | 850 000 | 850 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |
| 6 | 0890600017 | Уйчи тумани Кумтепа МФЙ Узбекистон (Ал-Хоразмий) кучасини асфалтлаш | 1 941 | 950 000 | 950 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бўлими |
| 7 | 0890600039 | Уйчи туман Ёркатай МФЙ худудида жойлашган ТТБ қарашли Силга қарши курашиш диспансери биносини мукаммал таъмирлаш | 1 746 | 900 000 | 900 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман соғлиқни саклаш бўлими |
| 8 | 0890600190 | Уйчи туман 26-сонли умумий урта таълим мактабида укувчилар учун замонавий, усти ёпик, сунъий футбол мажмуаси куриш | 1 637 | 600 000 | 600 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |
| 9 | 0890600006 | Наманган вилояти Уйчи тумани 37-сонли умумий ўрта таълим мактабига янги қурилаётган ошхонани тўла жихозлаш ва мебеллари ( овкат пишириш печлари, сув иситкич (100л), ошхона анжомлари, музлаткич, витрина музлаткич, идиш товоклар, шкафлар, прилавкалар, 80-уринли стол-стул | 1 490 | 400 000 | 400 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман халқ таълими бўлими |

**Туман ҳокимининг 1-ўринбосари** — **Д.Нурматов**

**Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири** — **Б.Холмирзаев**

**Туман Соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи** — **З.Мамаджанова**

**Туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи** — **А.Раҳматулла**

**Туман Халқ таълими мудири** — **М.Мўминов**